

## **Тошкент тиббиёт академиясининг мурожаатлар билан ишлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан I-чорак учун тахлилий ёзма ахборот**

Тошкент тиббиёт академиясида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз ва ўз вақтида бажариш асосий вазифаларидан бири деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Президент Халқ қабулхонаси, веб-сайт, электрон почта, ёзма ва оғзаки, ишонч телефони орқали академияга жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган мурожаатларнинг ижроси сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлари етарли даражани ташкил этилмоқда. Академиянинг расмий сайти, ижтимоий тармоқлар орқали ҳамда конунчиликда белгиланган бошқа йуллар билан юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши натижаларини тизимли, ёритишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам ишлаб чиқилмоқда.

2019 йил I-чораги давомида тиббиёт таълим тизимида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида талабалар (аноним сўровномалар) ва ота-оналари, жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва уларнинг натижалари ҳақида академия жамоасини илмий кенгаш ва ҳафталик ректорат йиғилишларида мунтазам хабардор қилиб борилди. Академияда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлар билан ишлашда очиклик ва шаффофликни янада кенгрок таъминлаш мақсадида шахсан ректор Л.Н.Туйчиев томонидан назорат этилади. ТТАда академия ректори Л.Н.Туйчиев ва маъсулларнинг мурожаатчиларни қабул этиш қабул жадвалига асосан кунлик соат 8 дан 11 гача шахсий қабулларни ташкил қилинган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича маъсулларнинг қабуллари тасдиқланган жадвал асосида олиб борилмоқда. Академия ректорати биносида Жисмоний ва юридик шахслар қабули меъёрий ҳужжатлар бўйича алоҳида стенд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатларини тахлил қилиш ва академиянинг ҳафталик (душанба куни) ректорат йиғилишларида мурожаатлар ижросини танкидий муҳокама этиб борилишини таъминлаш ИНИМ бўлими бошлиғи Ў.М.Миршарапов томонидан мунтазам амалга оширилмоқда, ректорат кенгашларида ҳисоботлар берилмоқда ва шахсан ректор томонидан йиғилишларда муҳокама этилмоқда. Тошкент тиббиёт академиясининг расмий веб сайти орқали ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) электрон манзил [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz), [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru), [Laziz.tuychiev@tma.uz](mailto:Laziz.tuychiev@tma.uz), ишонч телефони (150-78-25) орқали келиб тушган мурожаатлар тизимли равишда маъсуллар томонидан муаллифларга мурожаатда келтирилган ҳар бир ваз юзасидан тўлиқ ва асослантирилган ҳамда раҳбарлар томонидан имзоланган жавоб хатлари берилишини таъминлаш қонунда кўрсатилган муддатларда таъминланмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни I-чоракда умумлаштирилиб, тахлил қилиниб, ҳисобот шакллари асосида ўрнатилган

тартибда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига академия бўйича маъсул Ф.Ш.Тухтаходжаева томонидан ўз муддатларида тақдим этилмоқда.

2019 йил I-чорагида Фуқароларнинг муурожаатлари бўйича иш юритишни тизимли равишда ташкил этилди, pm2.gov.uz дастури имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйилди. Тизим орқали фуқаролардан 1 та, ёзма муурожаат 2 та, веб сайтдан 8 та, электрон почтадан 2 та, оғзаки 3 та (академия қошидаги академик лицейда оғзаки 12 та) муурожаат тушди ва ижролари тўлиқ бажарилди.

Тошкент тиббиёт академиясида муурожаатлар билан ишлаш жараёнини ёритиш бўйича 2019 йил учун мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилди ва ректор хузуридаги йиғилишда муҳокама этилди.

2019 йил I-чорагида Жисмоний ва юридик шахсларнинг қабули бўйича чораклик хисоботлар тахлили, академия расмий веб сайти ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) да Жисмоний ва юридик шахсларнинг қабули рукнига жойлаштирилди. Рукнда муурожаатлар бўйича маълумотлар хисоботлари тизимли равишда бериб борилиши таъминланмоқда.

Академияда ва академия қошидаги академик лицейда мутасадди рахбарлар томонидан фуқароларни қабул қилиш ҳамда ижро интизомига риоя этиш ҳолатини мунтазам равишда ўрганиш, уларнинг натижаларини атрофлича танкидий муҳокама этиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ТТА нинг 30 ноябр 2018 йил 719-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 9 январ куни муурожаатлар билан ишлаш бўйича ТТА қошидаги академик лицейда семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги “2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида”ги 10-сонли Раёсати мажлисининг баёни ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 феврал 132-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 21 февралда 126-сонли ички буйруқ чиқарилди. Буйруққа асосан академия рахбарларининг сайёр қабуллар жадвали ва 2019 йил учун комплекс чора тадбирлар йиллик режаси ишлаб чиқилди ва рахбар томонидан тасдиқланди.

Академия “Тиббиётнома” рўзномаси феврал ойи нашрида Фуқаро муурожаатлари билан ишлашда академияда амалга оширилган ишлар юзасидан тахлилий мақола чоп этилди.

ТТАда 2019 йил I-чораги давомида муурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича ҳеч қандай камчиликлар ва қоидабузарликларга йўл қўйилмади.

Ректор



Л.Н.Туйчиев